

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги

НС ва ЭБ бошлиги

Ж.Назаров

2022 йил



Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги Қизилтепа туманидаги Бўстон-2 ва Ўртачул насос станцияларини қайтма клапанларини тубдан таъмирлаш ишлари.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси хисобидаги <u>Қизилтепа туманидаги Бўстон-2 ва Ўртачул насос станцияларини қайтма клапанларини</u> тубдан таъмирлаш ишлари.
2	Буюртмачи	Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси.
3	Объектнинг жойлашган манзили	Қизилтепа туманида
2	Қатнашувчиларга қуйиладиган талаблар	Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган электродвигател ва трансформаторларни тубдан таъмирлаш ишларини сифатли бажариш керак. Таъмирлаш ишларини бажариш учун захира материаллари мавжуд бўлиши. Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур муҳандис-техникларга, ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши ва ўхшаш объектларда таъмирлаш ишларини амалга оширган бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
3	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома.
4	Бажарилган ишларни ҳисоб-китоби	Бажарилган ишлар далолатномаси ва ишчи комиссиянинг ҳулосасига асосан якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.
5	Ишни бажариш муддати	Шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда якунлаш.
6	Бажарилган ишларни топшириш	Бажарилган ишлар учун қафолат (қафолат хати) муддатларини бериш.

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Буюртмачи номи:
Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги
НС ва ЭБ бошлиги
Ж.Назаров
2022 йил



Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
хисобидаги Кизилтепа туманидаги Бўстон-2 ва Ўртачул насос станцияларини қайтма
клапанларини тубдан таъмирлаш ишлари.

объекти бўйича:

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

ТАНЛОВ ХУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

Куйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги НС ва
ЭБ си НС ЭҚ ва МУТ бўлими бошлиғи

Ташкилот номи

2022 йил

БАРЧА ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси
(Буюртмачи ташкилот номи)

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги Қизилтепа туманидаги Бўстон-2 ва Ўртачул насос станцияларини қайтма клапанларини тўздан таъмирлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи – 77 229 074 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 30 календарь кун.

Буюртмачи: Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси. (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74.

Молиялаштириш манбаси: Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖДа бошқа ҳолат айтилмаган бўлса): бўнак (аванс) – бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорда; жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорда; қолган 5 фоизи – фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач.

Агар ТАЖДа бошқача кўзда тутилмаган бўлса, пудрат шартномасининг валюта тури – **ўзбек сўмида**.

- ◆ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ◆ Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармасига қуйидаги манзил бўйича муурожаат этишлари мумкин:
- ◆ (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ◆ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича <https://xarid.uzex.uz> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

Эълон 2022 йил “__” _____ куни <https://xarid.uzex.uz> сайтида берилган.

Қуйи Зарафшон ИТХБ хузуридаги
НС ва ЭБ бошлиғи в.б:

Ж.Назаров

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Кармана туман Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ҳисобидаги Қизилтепа туманидаги Бўстон-2 ва Ўртачул насос станцияларини қайтма клапанларини тубдан таъмирлаш ишлари.**

Объектнинг бошланғич нархи—**77 229 074 сўм.** (ҚҚС билан)
Ишларни тугаллаш муддати —**30 календарь кун.**

Буюртмачи: Қуйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси. (Кармана туман Арғун МФЙ), Тел 79-220-62-74.

Молиялаштириш манбаси: : Маҳаллий Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ва таъмирлаш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Кармана туман Қуи Зарафшон ИТХБ
ҳузуридаги НС ва ЭБ бошлиғи:



Ж.Назаров